

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.26/27.02.2020.Т.109.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ПИРНАЗАРОВ ИЛХОМ ИСЛАМОВИЧ

**“ИССИҚХОНАЛАРДА ОПТИМАЛ МИКРОИҚЛИМ
ШАРОИТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”**

**05.09.03 – “Иссиқлик таъминоти. Вентиляция, кондиционерлаш.
Газ таъминоти ва ёритиш”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Пирназаров Илхом Исламович

Иссиқхоналарда оптимал микроиклим шароитларини такомиллаштириш...3

Пирназаров Илхом Исламович

Усовершенствование оптимальных условий микроклимата в теплицах.....23

Pirnazarov Ikham Islamovich

Improvement of optimal microclimate conditions in greenhouses.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.26/27.02.2020.Т.109.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ПИРНАЗАРОВ ИЛХОМ ИСЛАМОВИЧ

**“ИССИҚХОНАЛАРДА ОПТИМАЛ МИКРОИҚЛИМ
ШАРОИТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”**

**05.09.03 – “Иссиқлик таъминоти. Вентиляция, кондиционерлаш.
Газ таъминоти ва ёритиш”**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Т2956 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samgasi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобоев Собиржон Мурадуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Узоқов Гулом Норбоевич
техника фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Қулмамат Юсупович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ҳузуридаги PhD.26/27.02.2020.Т.109.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «24» сентябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140147, Самарқанд ш., Лолазор кўчаси, 70-уй. Тел.: (998 66) 237-18-47; факс: (998 66) 237-19-53, e-mail: samgasi_atm@edu.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 246 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140147, Самарқанд, Лолазор кўчаси, 70-уй. Тел.: (998 97) 315-44-50, e-mail: <http://arm.samgasi.uz/>.

Диссертация автореферати 2024 йил «7» сентябрь кунини тарқатилди.
(2024 йил «7» сентябрь даги 5 - рақамли реестр баённомаси.)



А. Т. Халманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, ф.м.ф.д., в.б., профессор

Р. М. Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш Илмий котиби, т.ф.н., доцент

Ғ.Ш. Шукуров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.н., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иссиқхоналарда анъанавий энергия ресурслари ва манбаларидан фойдаланиш кўламларини кенгайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида энергия самарадорлигини ошириш ҳамда ускуналарнинг энергетик самарадорлигини аниқлаш асосида энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Европа иқтисодий ҳамжамияти комиссиясининг маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалигида 75 фоиздан кўп иссиқлик энергияси иссиқхоналарни иситиш ва вентиляция тизимларига сарфланиши, иссиқхона маҳсулотларининг таннархида энергия харажатларининг улуши 40-60 фоизга оширатиган технологияларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ёқилғи-энергетика балансини қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ҳисобига диверсификациялаш ва энергия тежамкор иситиш тизимларининг инновацион технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда иссиқхона комплексларининг иссиқлик таъминоти ва вентиляция тизимларини такомиллаштириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини қўллаш ва иссиқлик-техник параметрларини оптималлаштириш орқали энергия самарадорлигини ошириш ҳамда анъанавий энергия ресурсларини сарфини камайтиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, иссиқлик энергиясидан самарали фойдаланиш асосида иссиқхона комплексларида технологик жараёнларнинг энергия сарфини камайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланади. Шу билан бирга, иссиқхоналарда микроиқлим шароитини яратишда энергия тежамкор ҳавони иситиш ва вентиляция тизимларини ишлаб чиқиш, энергиятежамкор қурилмалар схемаси ва ҳаво тарқатувчи қурилмаларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда аҳолини сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда иссиқхоналарда микроиқлим шароитини яратиш учун ноанъанавий энергия манбаларидан кенг фойдаланиш ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган янги технологияларни яратиш, тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, иссиқхона комплекслари энергия тежамкор ҳаволи иситиш тизимлари асосида оптимал микроиқлим яратиш ва ҳимояланган тупроқ

¹ International Cotton Advisory Committee. (ICAC). <https://icac.org/home/index/> Email: secretariat(at)icac(dot)org

ресурсларидан фойдаланиш долзарб илмий-техник вазифалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”²ги Фармони, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4020-сонли “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”³ ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни жорий этишда ҳозирги кунда юртимизда иссиқхоналар жуда кўплаб қурилмоқда. Жаҳонда иссиқхоналар қурилиши ва уларнинг оптимал микроклимларини таъминлаш мақсадида бир қанча илмий ишлар қилинганлиги шу иссиқхона комплексларининг ривожланишига ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Иссиқхоналар ҳавосининг микроклиминини яратишда иссиқлик энергияси ва ноананавий энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантиришга таниқли хорижлик олимлар, жумладан, В.В.Есин, А.Г.Егиазаров, О.Я.Кокорин, М.С.Илюхин, В.В.Харченко, А.М.Петров, Д.А.Тихомиров, С.Л.Малько, Д.А.Лашин Т.В.Кайтмазов, М.А.Абазалиева, О.Н.Лезная, А.Ф.Семенов, Л.Р.Мазаев, Л.Г. Прищеп, Л.Е. Рыбакова, Р.Б. Байрамов, Б.И. Казанджан, Ю.Т. Кравченко, А.М. Пенджиёв, L.Ozgener, A.Allouhi, P.Henshaw, A.Ghosh, J.Xu, L.Zhang, G.Tong, R.N.Hassanien ва M.Lazaar томонидан илмий ва тажрибавий ишлар олиб борилган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

³ Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4020-сонли “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”¹ги қарори;

Иссиқхоналарнинг микроклим шароитларини такомиллаштиришда Ўзбекистоннинг етук олимлари, шу жумладан Им Ким, Р.А.Захидов, Ю.Н.Якубов, Ш.М.Мирзаев, Н.Р.Авезова, А.Б.Вардияшвили, С.М.Бобоев, Ғ.Н.Узоқов, З.С.Искандаров, С.А.Саидов, Б.Э.Хайриддинов, А.А.Вардияшвили, Л.А.Алиярова, Ш.Х.Ергашевлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, улар томонидан иссиқхоналарда иссиқлик-намлик ҳаво режимларини такомиллаштириш, энергия тежамкор қурилмаларини қўллаш асосида энергия самарадор иссиқхоналарни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган, ҳамда энергия тежамкор қурилмаларнинг иссиқлик тежашнинг самарадор усуллари ва иссиқхона комплексларида зарур микроклимни яратиш учун иссиқхоналарда энергия тежамкор қурилмалар ишлаб чиқилган. Эришилган ижобий илмий натижаларга қарамасдан, ҳозирги вақтда иссиқхоналарнинг оптимал микроклимини яратиш учун ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимларида паст потенциалли энергия тежамкор қурилмалар иссиқлигини самарали қўлланилиши етарлича ўрганилмаган. Шу сабабли, иссиқхоналар ҳавосининг микроклимини белгиланган меёрлар асосида яратиб бериш учун энергия самарадорлиги юқори бўлган иссиқ ҳаво таркатувчи қурилмаларни ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот иши Ўзбекистон Республика Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сонли қарорида “Иссиқхоналарда оптимал микроклим шароитларини такомиллаштириш” мавзусидаги лойиҳани амалга ошириш дастурига киритилган (7-илова 45-бандига муофиқ. I-OT-6-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган) ҳамда Жиззах политехника институти ва “GREENHOUSE FRUITS” МЧЖ ўртасида тузилган №2 хўжалик шартномаси “Иссиқхоналарда оптимал микроклим шароитларини такомиллаштириш” мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади: иссиқхоналарда органик тоза мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда оптимал микроклим шароитини таъминлаш мақсадида энергия тежамкор иссиқ ҳаво таркатувчи ускуналарни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иссиқхоналарда иссиқлик энергиядан оқилона фойдаланишнинг замонавий ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

иссиқхоналарда микроклим яратиш учун энергия тежамкор қурилмасининг иссиқлик схемасини ишлаб чиқиш;

иссиқхоналарда оптимал микроклим шароитларини такомиллаштириш мақсадида ҳаво таркатувчи энергия тежамкор қурилма ишлаб чиқиш;

муқобил энергиядан фойдаланишда иссиқхона асосига ётқизилган ҳаво қувурининг тешикли ҳаво таркатувчи қурилмасида ҳаво ҳаракатини узунлик бўйича тарқалишининг математик моделини ишлаб чиқиш;

кўндаланг кесим юзи тўртбурчак ва айлана шаклидаги ҳаво қувурларидан чиқадиган ҳаво параметрларини аниқлаш;

иссиқхона юқорисида жойлашган иссиқ ҳавони тешикли ҳаво узатувчи қувурлар орқали микроиклимни тامينлашга кетадиган энергия сарфи билан иссиқхонадаги бир ҳил ҳарорат тақсимотиға ва юқори иссиқлик қулайлигини аниқлаш;

иссиқхона микроиклимни таъминлаб бериш қурилмасидан фойдаланиб, иссиқхонанинг микроиклимидан қайта фойдаланиш тизимининг техник-иктисодий кўрсаткичларни аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида жойлашган “SHONJAXON GREENHOUSE” МЧЖ, “GREENHOUSE FRUITS” МЧЖ ва Зарбдор тумани Бўстон шаҳарчасидаги “JO‘SHQIN SERVIS” МЧЖ таркибида жойлашган иссиқхона комплекслари.

Тадқиқот предмети иссиқхонанинг юқори қисмидан олинадиган ҳавони ПВХ(поливинилхлорид) ҳаво қувурлар орқали пастки қисмидан иссиқлик берадиган, (энергия, экологик ва иктисодий) самарадорлик кўрсаткичларининг камҳаражатлигини тامينлайдиган энергия тежамкор тешикли иссиқ ҳаво тарқатувчи ускуна.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, иссиқлик техникасининг назарий асослари, экспериментлар ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иссиқхоналардаги микроиклим шароитини яхшилаш учун тенг тақсимланган тешикли энергия тежамкор ҳаво тарқатувчи қурилмаси ишлаб чиқилган;

айлана тешикли қувурларнинг ўрнатиш қулайлигини ва иссиқхона муҳитида мўлжалланган қўлланилишини синчиковлик билан баҳолаш ва қувур ичида ҳавонинг аэродинамик режимларини ўрганган ҳолда иссиқхонада иситиладиган ҳавони тенг тақсимлашиға эришилган;

иссиқлик алмашинув жараёнлари асосида иссиқлик миқдорлари ҳаво қузури узунлиги бўйича ҳаво ҳаракати тезлик ва ҳароратининг стационар ва ностационар режимларни математик моделлаштириш асосида аниқланган;

иссиқхоналада ҳарорат бир даражаға фарқ қилганда (t_{st}, t) бир бирлик юзадан (1 м^2) вақт бирлигида (1 сек) узатиладиган иссиқлик миқдорини ифодалайдиган, девор юзаси ва уни ювиб турувчи суюқлик ўртасидаги иссиқлик алмашинувининг интенсивлигини баҳолаш коэффициентини Ньютон қонунларидан фойдаланган ҳолда аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари яратилган ҳаво тарқатувчи қурилма ёрдамида иссиқхоналардаги ўсимликларға керакли миқдордаги микроиклимни яратиб бериш билан биргаликда сарфланадиган табиий газ ва электроэнергия ресурсларини кўп миқдорда тежаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот натижаларининг ишончлилиги табиий шароитда замонавий ўлчов асбоблари ва тадқиқот

усулларидан фойдаланган ҳолда олинган кўп сонли тажриба натижалари билан асосланади, иссиқлик-техник тажрибаларни ўтказиш ва натижаларни қайта ишлашнинг умум эътироф этилган усуллари қўлланилганлиги, ишлаб чиқариш тажриба натижалари, бир хил дастлабки шароитларда ҳисобий ва тажриба натижаларини мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқхоналарда оптимал микроклим яратишда иссиқ ҳавонинг утилизацияси ва қуёш энергиясидан фойдаланиш, сўрувчи вентилятор ҳамда иссиқхона пастки қисмидан иссиқ ҳавони тарқатиш учун тенг тақсимловчи тешикли ҳаво қувурлари орқали тупроқ билан иссиқлик алмашинув жараёнларининг ҳамда тешикли иссиқ ҳаво тарқатувчи қувурлардаги ҳаво ҳаракатининг узунлик бўйича тарқалиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиий газ ва электр энергия ресурслари сарфининг камайишини таъминловчи энергия самарадор иссиқ ҳаво тарқатувчи ПВХ тенг тақсимловчи тешикли ҳаво қувурлар қурилмаси ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур қурилма энергия самарадорлиги юқорилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иссиқхоналарда оптимал микроклим шароитларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида.

Таклиф этилган иссиқхоналарда оптимал микроклим шароитларини такомиллаштиришдан олинган натижалар Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманидаги “GREENHOUSE FRUITS” МСНҲ га жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 5-январдаги №07/23-9-сонли маълумотномаси). Натижада совик иқлим шароитида иссиқхоналарда талаб этиладаган харорат-намлик режимини таъминлаш учун иссиқхонада микроклимни яратиб берувчи энергия тежамкор ҳаво тарқатувчи қурилмасининг такомиллаштирилган схемаси ҳамда қувурлар орқали иссиқлик беришда иссиқлик масса алмашинувининг математик модели ишлаб чиқилган;

Таклиф этилган иссиқхонани юқори қисмида жойлашган иссиқ ҳавони қувурлар орқали сўриб, иссиқхонани пастки қисми ҳавосига бериладиган иссиқлик миқдорини оширишдан олинган натижалар Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги “JO`SHQIN SERVIS” МСНҲ га жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 5-январдаги №07/23-9-сонли маълумотномаси). Натижада иссиқхоналарда ҳар бир гектар майдон учун энергия сарфига кетадиган умумий харажатдан 30-35 млн. сўм иқтисод қилинишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг PhD асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 4 таси хорижий ва 3 таси Республика журналларда нашр этилган. 1 та ЭҲМ дастурий маҳсулот учун муаллифлик гувоҳномаси олинган № ДГУ 22249.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган ва уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Замонавий иссиқхоналар ва уларда микроклим яратиш таҳлили”** деб номланган **биринчи** бобида иссиқхоналарда маҳсулот етиштиришга зарур бўлган оптимал ҳаво параметрлари ва ҳарорат режими аниқланди. Иссиқхоналарда оптимал микроклимни яратиш бўйича хорижий олимлар Ж.А.Сондерн, С.Уолстон, С.Е.Фрид, А.В.Арсатов, М.Ю.Ощепков, G.N.Tivari, А.Б.Вардияшвили ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари ўрганилди. Иссиқхонанинг юқори қисмида ҳосил бўладиган иссиқ ҳавони қайта фойдаланиш(утилизация) тизимида фойдаланиладиган воситалар ичида: иссиқ ҳавони иссиқхона тупроқлари орқали сақлаш, иссиқ ҳавони турли хил шаклдаги ҳаво қувурлари орқали иссиқлик етказиб бериш, иссиқ ҳавони айлана шаклдаги ПВХ ҳаво қувурлари орқали иссиқлик етказиб бериш ва уларни модернизация қилиш орқали энергия тежамкорлигини ошириш таҳлил қилиб берилди.


Ҳозирги вақтда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш таннархида энергия сарф харажатларининг қиймати 70% ташкил қилади.

Ишчи гипотеза. Иссиқхоналарда иссиқ ҳавонинг утилизация қилиш, қуёш энергиясидан фойдаланиш, сўрувчи вентилятор ҳамда иссиқхона пастки қисмидан иссиқ ҳавони тарқатиш учун тешикли ҳаво қувурлари орқали тупроқ билан иссиқлик алмашинув жараёнларини ва оптимал микроклим яратиш эҳтимоли фараз қилинди. Муаммони ечиш ҳолатини хорижий ва маҳаллий илмий адабиётлар ва патент манбаларини таҳлил қилиш натижасида диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Энергия тежамкор иссиқхоналарни яратишнинг назарий асослари”** деб номланган **иккинчи** бобида иссиқхонадаги

иссиқлик энергия сарфини аниқлаш учун иситиш ва ҳаво алмаштириш тизимида ҳосил қилинган оптимал иссиқлик режимини яратиш тизимини тадқиқ этиш масаласига бағишланган. Иситишда сарф қилинадиган иссиқлик миқдорий сарфи, иссиқлик энергияси ёқилғиси сарфи ва унинг сарфланиши иссиқхонанинг иссиқлик баланси бўйича аниқланади.

Иссиқхонанинг иссиқлик баланси асосида ҳарорат режимини тадқиқот қилиш қуйидаги 1-расмдаги ҳисоб схема бўйича амалга оширилади.



1- расм. Иссиқхонанинг иссиқлик балансини ҳисоблаш схемаси

Кундузги режим пайтида иситишга кетган иссиқлик юкламаси қуйидаги баланс тенглама орқали ҳисобланади:

$$Q_{\text{кир}} = Q_{\text{сарф}},$$

$$Q_{\text{кир}} = Q_{\text{куёш рад}} + Q_{\text{ис}} + Q'_{\text{хаво}} + Q_{\text{ишчи}} \quad (1)$$

$$Q_{\text{сарф}} = Q''_{\text{хаво}} + Q_{\text{плёнка}} + Q_{\text{инф}} + Q_{\text{эшик}}$$

Иссиқлик балансини ташкил қилувчи қийматларни қўйиб (1) ифодани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$Q_{\text{куёш рад}} + Q_{\text{ис}} + Q'_{\text{хаво}} + Q_{\text{ишчи}} = Q''_{\text{хаво}} + Q_{\text{плёнка}} + Q_{\text{инф}} + Q_{\text{эшик}} \quad (2)$$

$Q_{\text{рад}}$ – қуёш радиацияси орқали келтирилган иссиқлик, Вт; $Q_{\text{ис}}$ – иссиқхона иситиш тизими орқали бериладиган иссиқлик, Вт; $Q'_{\text{хаво}}$ – иссиқхона юқори қисмидаги иссиқ ҳавони қайта ишлашга мосланган иситиш тизими орқали келтириладиган иссиқлик, Вт; $Q_{\text{ишчи}}$ – иссиқхонага хизмат кўрсатувчи ишчи ходимлар томонидан келтириладиган иссиқлик, Вт;


$Q''_{\text{хаво}}$ – иссиқхона ва ташқи муҳит ўртасидаги вентиляция тизими орқали йўқотиладиган иссиқлик, Вт; $Q_{\text{плёнка}}$ – иссиқхона плёнкаси орқали ташқарига йўқотиладиган иссиқлик, Вт; $Q_{\text{инф}}$ – инфилтрация орқали йўқотиладиган иссиқлик, Вт; $Q_{\text{эшик}}$ – иссиқхонанинг кириш эшиги орқали йўқотиладиган иссиқлик, Вт.

Қуёш радиацияси орқали келтирилган иссиқлик қуёш нурланиш оқими зичлигига, тиниқ юзасининг оптик ҳусусиятлари ва иссиқхона ишчи майдонига боғлиқ бўлиб, қуйидагича ифодаланади:


$$Q_{\text{куёш рад}} = I * F * \alpha * K \quad Q_{\text{нур рад}} = q * F * \alpha * K \quad (3)$$

бу ерда I – қуёш нурланиш оқими зичлиги, Вт/м²; F – иссиқхона ишчи майдони, м²; α, K – тиниқ юзанинг нур ютиш ва ўтказиш коэффиценти.

Иссиқхона ички ҳавоси ҳароратини соатлик ўзгариши (иситиш тизими ишламаган ҳолда) 2-чи, суткалик эса 3-расмларда келтирилган.




2-расм. Иситиш тизими ишламаган ҳолда иссиқхона ички ҳаво ҳароратини соатлик ўзгариши (01.11.2022-30.01.2023)



3-расм. Фойдали майдони 400 м² бўлган иссиқхонани иссиқлик юктамаси (кўк чизик) ва куёш радиациясидан келтириладиган иссиқлик юктамаси (қизил чизик) нинг суткалик ўзгариши (01.11.2022-30.01.2023).

Иссиқхонанинг юқори қисмида кундузги даврда ҳаво ҳарорати юқори бўлиб, ушбу иссиқлик миқдоридан самарали фойдаланиш мақсадида сўрувчи вентилятор орқали ҳавони сўриб иссиқхонанинг пастига бериш орқали гидропоника усулида етиштириладиган ўсимликларнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. 4-расмдаги ҳисоб схема орқали ҳаво ҳароратининг қувур узунлиги бўйича ўзгаришини статик стационар ва ностационар ҳолатдаги математик моделини ишлаб чиққанмиз.

Чегаравий масалалар: Иссиқхонанинг юқори қисмидаги ҳавонинг миқдори L , м³/с; температураси t , °C; ҳавонинг тезлиги v , м/с; ҳаво қувурининг узунлиги l , м; тешиқлар орасидаги масофа m ; қувур диаметри d , мм.



4-расм. Ҳавонинг қувур узунлиги бўйича ўзгаришининг ҳисоб схемаси

Иссиқхоналарнинг юқори қисмида кундузги режимларда ҳаво ҳарорати юқори бўлиб, ушбу иссиқлик миқдоридан самарали фойдаланиш мақсадида сўрувчи вентилятор орқали ҳавони сўриб иссиқхонанинг пастки қатламига бериш орқали гидропоника усулида етиштириладиган ўсимликларнинг ривожланишига эришиш мақсадида 4-расмда келтирилган схема орқали ҳаво ҳароратининг қувур узунлиги бўйича ўзгаришини статик стационар ва ностационар ҳолатдаги математик моделини ишлаб чиқилди.

Стационар режим

Ҳавонинг қувур узунлиги бўйича ҳаракати давомида ҳароратининг барқарор режимдаги ўзгаришини математик моделлаштиришда иссиқлик алмашинув жараёнларидаги мезонли тенгламалар ўз ўрнига эгадир. Маълумки, турбулент оқим режимини таъминлаш иссиқлик узатиш учун энг қулай шароитларни яратади. Оқим турбулент бўлишида пастки тезлик чегарасини қуйидаги ифодадан аниқланади

$$Re = \frac{v_k * d_k}{\nu_h} \quad (4)$$

Қувурлардаги ўртача ҳарорат 25 ... 30°C ва қувур диаметри $d_x = 200-400$ мм бўлса, чегара тезлиги 0,2 ... 0,75 м/с эканлигини аниқланди. Шундай қилиб, паст тезликда қувурлардаги ҳаво оқими турбулент бўлиб қолади, вентилятордан коллекторга ўтишда ҳаво йўналишини 90° бурчакга ўзгартиради.

Қувурдаги ҳаво ҳароратининг қувур узунлиги бўйича ўзгаришини қуйидаги шаклда ифодалаймиз

$$t_{x.k.} = t_x e^{kx} \quad (5)$$

бу ерда $k < 0$ - зарядка (кундузги режим), $k > 0$ - разрядка (тунги калорифер қиздириш тизимли).

Қувурдаги иссиқлик алмашинувини қуйидаги дифференциал тенглама билан ифодаланади;

$$2\pi r c \frac{\partial t_{x.k.}}{\partial x} \int_0^{R_k} v_k(r) r dr = \lambda_x \frac{\partial t_{x.k.}}{\partial r} \Big|_{R_k} 2\pi R_k \quad (6)$$


бу ерда r - радиус, $0 < r < R_k$.

Турбулент оқимларда тезликни тақсимланишининг қувур геометрик ўлчамлари даража кўрсаткичларига боғлигини қуйидаги тенглама орқали ифодалаш мумкин;

$$\frac{v_{\kappa}(r)}{v_{\kappa}(0)} = \left(\frac{r}{R_{\kappa}} \right)^n \quad (7)$$

турбулент оқимнинг барча соҳаси учун


$$n = 0,9 \sqrt{\xi_{\text{шик}}} \quad (8)$$



5-расм. Қувур узунлигининг турли кесимларида ҳаво ҳароратининг суткалик ўзгариши

Ҳаво ва қувур деворидаги ҳароратлар фарқи

$$\Delta t_{\kappa} = \frac{A}{BL_{\kappa}} t_x (e^{kx} - 1) \quad (9)$$



6-расм. Қувур узунлигининг турли кесимларида ҳаво ҳароратининг суткалик ўзгаришининг тажриба ва ҳисоблаш натижаларини таққослаш натижалари


Зарядка режими соат $\tau_1 = 10^{00}$ дан $\tau_2 = 16^{00}$ гача давом этишини ҳисобга олсак (9) ифода қуйидаги кўринишда бўлади

$$Q_k = 2\pi R_k \alpha_k \frac{A}{B} (t_{x0} - t_{x1} 0,87 - t_{x2} 0,23)(e^{kL_k} - 1)\tau. \quad (10)$$

Ностационар режим.

Ҳаво қувуридаги иссиқлик алмашинувини қуйидаги дифференциал тенглама билан ифодалаймиз:


$$2\pi\rho c \frac{\partial t_{x.k.}}{\partial x} \int_0^{R_k} v_k(r) r dr = \lambda_x \frac{\partial t_{x.k.}}{\partial r} \Big|_{R_k} 2\pi R_k + \rho c \pi R_k^2 \frac{\partial t_{x.k.}}{\partial \tau}. \quad (11)$$



7-расм. Сутканинг турли вақтларида қувурдаги ҳаво ҳароратининг узунлик бўйича ўзгариши

Зарядка режимининг τ_1 ва τ_2 вақт оралиқларида қувур девори ҳарорати тушишининг ўртача қиймати.

$$\overline{\Delta t_k} = \frac{A}{BL_k} \left[t_{x0} - (0,87 + 0,23 \frac{w}{Ak}) t_{x1} - (0,23 - 0,87 \frac{w}{Ak}) t_{x2} \right] (e^{kL_k} - 1). \quad (12)$$




8-расм. Қувурда ҳаракатланадиган ҳавонинг турли тезликларида, ҳаво-қувур чегарасидаги иссиқлик бериш коэффициенти ва келтириладиган иссиқлик миқдорини ҳисоблаш натижалари

Аэродинамик ҳисоб. Ҳавонинг қувур бўйлаб 1 м ҳаракатида босим йўқолиши қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta P_{\kappa} = \Delta P_{\text{ишқ.}} + \Delta P_{\text{мах.}} \quad (13)$$

бу ерда, $\Delta P_{\text{ишқ.}} = \lambda \frac{L_{\kappa}}{d_{\kappa}} \cdot \frac{\rho \cdot v_x}{2}$ -ишқаланиш ҳисобидан босим йўқотилиши, Па;

$\Delta P_{\text{мах.}} = \sum \xi_{\text{мах.}} \frac{\rho v_{\kappa}^2}{2}$ -маҳаллий қаршиликлар ҳисобидан босим йўқотилиши, Па.



9-расм. Қувурда ҳаракатланадиган ҳавонинг турли тезликларидаги аэродинамик ҳисоб натижалари


Энергия тежамкор оптимал иссиқхоналарда ўсимликлар ривожланиши учун талаб этиладиган иссиқлик ва иссиқ ҳаво миқдори қуёш нури ҳисобига йиғилган иссиқ ҳаво ҳажмини ҳисоблаш орқали аниқланди.

Иссиқхонада тўртбурчаклар ёки айлана бўлган қувурларнинг иссиқлик узатиш коэффициенти тизим ичидаги иссиқлик узатиш самарадорлигини аниқлашда муҳим омил ҳисобланади. Иккала турдаги қувурлар иссиқлик узатишни осонлаштира-да, иссиқлик узатиш коэффициенти уларнинг турли геометриялари ва сирт майдонлари туфайли фарқ қилиши мумкин.

Тўртбурчаклар ва айлана тешикли қувурлар иссиқхонада иситиладиган ҳавони тақсимлаш учун самарали бўлиши аниқланди. Танлов ўзига хос еҳтиёжларни, самарадорлик нуқтаи назарларини, ўрнатиш қулайлигини ва иссиқхона муҳитида мўлжалланган қўлланилишини синчковлик билан баҳолашга асосланган бўлиши аниқланди.


Айлана қувурлар тўртбурчаклар қувурларга нисбатан ихчамроқ шаклга ега. Бундай тешилган қувурлар ўзларининг соддалаштирилган шакли туфайли ҳавонинг самарали ҳаракатланишини таъминлайди. Бу қувурлар ичида конвектив иссиқлик узатишни кучайтириши мумкин.

Диссертациянинг “Иссиқхоналарда ҳавога ишлов беришда тажриба-синов ўтказиш ва натижаларга ишлов бериш” деб номланган учинчи бобида, олиб борилган тадқиқот ишида назорат ўлчов асбоблари белгиланган параметр доирасида танланди (10-расм).



10-расм. Иссиқхонада тажриба жараёнини ўтказиш учун ўлчов асбобларининг схематик жойлашув кўриниши ва тизимдаги асбоблар

LCD дисплейли ва симли ташқи ҳарорат сенсори эга бўлган электрон термометр-гигрометр НТС-2 тўғри ички ва ташқи ҳароратни, шунингдек, хона ичидаги намликни ўлчаш жараёни келтирилган (11-расм).



11-расм. LCD дисплейли НТС-2 электрон термометр-гигрометр ёрдамида хона ичидаги намликни ўлчаш жараёни

Ҳисоблашлар натижасида иссиқлик алмашинув коэффициентини ўлчашда йўл қўйиладиган хатолик чегараси аниқланди. Иссиқлик алмашинув коэффициентини аниқлаш аниқлигини оширишга юқори синф ўлчов асбобларидан фойдаланиш орқали эришилди. Бу ҳолда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликнинг қиймати баҳоланди, бу, табиийки, каттароқ тоифадаги ўлчаш воситалари учун кичикроқ ва шунга мос равишда хато торроқ диапазонга тўғри келди. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳисоблашда хатоликка таъсир қилувчи бир қатор омиллар ҳисобга олинмаган, шунинг учун ҳақиқий хатолар кўпроқ бўлган (руҳсат этилган қийматлар чегарасидан).

Ҳисоблашлар натижасида иссиқлик алмашинув коэффициентини ўлчашда йўл қўйиладиган хатолик чегараси аниқланди. Иссиқлик алмашинув коэффициентини аниқлаш аниқлигини оширишга юқори синф ўлчов асбобларидан фойдаланиш орқали эришилди. Бундай ҳолда биз йўл қўйилиши мумкин

бўлган хатоликнинг қийматини баҳолаймиз, бу, табиийки, каттароқ тоифадаги ўлчаш воситалари учун кичикроқ ва мос равишда хато торроқ диапазонга тўғри келади. Шунини таъкидлаш керакки, ҳисоблашда p ҳисобга олинмайди.


1-жадвал

Тажрибаларда қўлланиладиган ўлчов асбоблари ва уларнинг сезгирлиги

Ўлчов воситаси	Ўлчаш қобилияти	Сезувчанлик
термометр-гигрометр НТС -2	ташқи температурани ўлчаш кенглиги $-50\sim+70^{\circ}\text{C}$	$\pm 1^{\circ}\text{C}$
	ички хона ҳароратини ўлчаш кенглиги $-10\sim+50^{\circ}\text{C}$	$\pm 1^{\circ}\text{C}$
	нисбий намлик $10\%\sim 99\%$	$\pm 5\%$
	Ўлчами $90 \times 100 \times 22$ мм	
Влагометр MS7100C	Ўлчов диапазони	$5\% - 40\%$
	Нисбий намлик	$5\% - 90\%$
	Температура	$0-60^{\circ}\text{C}$
НТi НТ -9830 телескопик сенсорли термал анемометр	Юқори аниқлик	$0,1$ м/с
	Тезликни ўлчаш диапазони	$0,1-25$ м/с
	Ишлаш ҳарорати оралиғи	$0-50^{\circ}\text{C}$
SEM DT -321 рақамли гигротермометр	Нисбий намлик $0 \dots 100\%$	$\pm 3,5\%$
	Температура - $20 \dots 60^{\circ}\text{C}$	$\pm 2^{\circ}\text{C}$

Иссиқхона шароитда иссиқлик узатиш одатда учта маълум бўлган усуллар - конвекция, радиация ва иссиқлик ўтказувчанлик билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин. Ушбу ишда иссиқхонадаги иссиқлик тарқатувчи ПВХ (полиэтиленхлорид) қувурлар орқали иссиқлик узатиш коэффиценти ҳаво фақат эркин конвекция ва радиация механизмларини ҳисобга олган ҳолда чексиз ҳажмда ПВХ (полиэтиленхлорид) қувурнинг тешик атрофи юзасига яқин жойда ҳаракат қилганда аниқланди.

Қувурнинг горизонтал юзаси атрофида ҳавонинг эркин конвекцияси учун иссиқлик узатиш коэффиценти α ни экспериментал равишда аниқлаш ва чекланмаган ҳажмдаги эркин конвекция учун иссиқлик узатиш коэффицентини ҳисоблаш учун умумлаштирилган боғлиқликни аниқланди.



12–расм. Иссиқхонаги ва қурилманинг турли жойлардаги ҳаво параметрларини натижаларини олиш учун нуқталар жойлашуви


Юқорида келтирилган ўлчов асбобларининг жойлашувидан келиб чиққан ҳолатда сутканинг турли хил вақт оралиғида олинган натижалар қуйидаги келтирилган жадвалга туширилган.

2-жадвал

Иссиқхона ва энергия тежамкор иссиқ ҳаво тарқатувчи қувурлардаги ҳаво параметрларидан олинган натижалар


T/p	соат	Иссиқхона юқорисидаги ҳаво параметрлари		Сўрувчи қувур ичидаги ҳаво параметри				Иссиқ ҳаво тарқатувчи қувурда жойлашган тешик атрофидаги ҳаво параметрлари			Экин экилган қоп ичидаги кўрсаткичлар	
		t, °C	φ, %	t, °C	φ, %	v, м/с	P, Па	t, °C	φ, %	v, м/с	t, °C	φ, %
1	8 ⁰⁰	20	80	19	81	0.9	0.49	19	82	0.4	10	94
2	10 ⁰⁰	30	95	29	96	0.9	0.49	28	96	0.4	12	92
3	12 ⁰⁰	35	90	33	92	0.9	0.49	34	91	0.42	13	90
4	14 ⁰⁰	38	87	37	89	0.9	0.49	36	88	0.4	14	88
5	16 ⁰⁰	34	85	32	83	0.9	0.49	33	86	0.38	14	89
6	18 ⁰⁰	24	75	22	72	0.9	0.49	22	75	0.39	12	85

Иссиқ ҳаво оқими тешилган устки деворлар орқали оқимнинг чиқиши билан доимий кесмадаги қувур линиясида ҳаракат қилганда, тешилган ҳаво қувуридаги ишқаланиш қаршилиги коэффиценти λ йўл бўйлаб оқим тезлигининг ўзгариши туфайли ўзгаради.



13-расм. Иссиқ ҳаво тарқатувчи юқори қисми тешилган қувур ичидаги ҳаво оқимининг ҳаракат схемаси

Маҳаллий ишқаланиш қаршилиги коэффиценти юқорида кўрсатилган каби шароитларда, турбулент оқим ҳолатида ва $20 \leq l/D \leq 125$ формулалар бўйича ҳисобланди.



14-расм. Силлик қувурнинг ишқаланиш коэффиценти

Тадқиқот учун зарур бўлган назорат ўлчов асбоблари белгиланган йўналиш бўйича танланди ва хатоликлари баҳоланди.

Қувурнинг горизонтал юзаси атрофида ҳавонинг эркин конвекцияси учун иссиқлик узатиш коэффициенти α ва чекланмаган ҳажмдаги эркин конвекция учун иссиқлик узатиш коэффициентини ҳисоблаш учун умумлаштирилган боғлиқлик экспериментал равишда аниқланди.

Иссиқ ҳаво тарқатувчи тешилган қувур ичидаги ҳаво оқимининг ишқаланиш қаршилиги коэффициенти аниқланди ва ҳаво оқимининг ҳаракат схемаси ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Иссиқхоналарда оптимал ҳарорат ҳосил қилувчи энергия тежамкор ҳаво қувурларининг энергетик таҳлили ва техник-иқтисодий самарадорликни баҳолаш”** деб номланган **тўртинчи** бобида Иссиқхоналарда оптимал микроклим шароитларини такомиллаштириш мақсадида ҳаво тарқатувчи энергия тежамкор қурилма ишлаб чиқилди.

Иссиқхоналарнинг юқори қисмида йиғиладиган иссиқликни қайта ишлаш тизими анъанавий иситиш тизимларига нисбатан юқори самарадорлик туфайли фойдалидир ва ҳозирги кундаги кўплаб замонавий иссиқхоналарда қўлланилиб келинмоқда. Замонавий иссиқхоналардаги иссиқликни қайта ишлаш тизимларини жорий қилиниши иссиқхона ҳавоси ҳароратини бошқарадиган мажбурий конвексияга асосланган анъанавий тизимлар билан солиштирганда, иссиқхона юқорисида жойлашган иссиқ ҳавони тешилган ҳаво узатувчи қувурлар орқали микроклимни тaminлашга кетадиган энергия сарфи билан иссиқхонадаги бир ҳил ҳарорат тақсимотига ва юқори иссиқлик қулайлигига эришиш мумкин.

Иссиқхона юқорисида жойлашган иссиқ ҳавони тешилган ҳаво узатувчи қувурлар орқали микроклимни тaminлашга кетадиган энергия сарфи билан иссиқхонадаги бир ҳил ҳарорат тақсимотига ва юқори иссиқлик қулайлигига эришиш мумкинлиги исботланди.


Яратилган ҳаво тарқатувчи қурилма ёрдамида иссиқхоналардаги ўсимликларга керакли миқдордаги микроклимни яратиб бериш билан биргаликда сарфланадиган табиий газ ва электр энергия ресурсларини кўп миқдорда тежаш имконияти яратилди.

Иссиқхоналарда оптимал микроклим шароитларини такомиллаштириш мақсадида энергия тежамкор қурилмаларни амалиётга жорий этиш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган.

Иссиқхоналарда оптимал микроклим шароитларини такомиллаштириш мақсадида энергия тежамкор қурилмаларни амалиётга жорий этиш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган.


Юқорида кўрсатилган “GREENHOUSE FRUITS” МЧЖ таркибидаги 1 га иссиқхонанинг газ сарфи кўрсаткичлари энергия тежайдиган қурилмасиз 66698000 (олтмиш олти миллион олти юз тўқсон саккиз минг) сўмни ташкил қилган бўлса, энергия тежайдиган қурилма ёрдамида 47190000 (қирқ етти

миллион бир юз тўқсон минг) сўмни ташкил этди. Иссиқ ҳавони тарқатувчи энергия тежамкор қурилмаси ёрдамида иссиқхонанинг энергия самарадорлиги бир мавсумда 19508000 (ўн тўққиз миллион беш юз саксон минг) сўмни ташкил қилди.



15-расм. Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманида жойлашган “GREENHOUSE FRUITS” МЧЖ таркибидаги 1 га иссиқхонанинг газ сарфи кўрсаткичлари

■ - иссиқхонада энергия тежайдиган қурилмасиз даврдаги газ сарфи кўрсаткичи
 ■ - иссиқхонада энергия тежайдиган иссиқ ҳаво тарқатувчи қурилма ўрнатилган даврдаги газ сарфи кўрсаткичи энергия тежайдиган қурилмасиз даврдаги газ сарфи кўрсаткичи.



16-расм. Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманида жойлашган “SHONJAXON GREEN HOUSE” МЧЖ таркибидаги 1,5 га иссиқхонанинг газ сарфи кўрсаткичлари

Юқорида кўрсатилган “SHONJAXON GREEN HOUSE” МЧЖ таркибидаги 1,5 га иссиқхонанинг газ сарфи кўрсаткичлари энергия тежайдиган қурилмасиз 157701000 (бир юз эллик етти миллион етти юз бир минг) сўмни ташкил қилган бўлса, энергия тежайдиган қурилма ёрдамида 89066000 (саксон тўққиз миллион олтмиш олти минг) сўмни ташкил этди. Иссиқ ҳавони тарқатувчи энергия тежамкор қурилмаси ёрдамида иссиқхонанинг энергия самарадорлиги бир мавсумда 68635000 (олтмиш саккиз миллион олти юз ўттиз беш минг) сўмни ташкил қилди.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация ишида қўйилган вазифаларни ечиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақлиф қилинди:

1. Иссиқхоналарда иссиқ ҳаво йўқолиши ва иссиқхоналарга қуёш нури орқали кирадиган иссиқлик миқдорлари, иссиқлик баланси ҳисобланди ва иссиқлик баланси схемаси ишлаб чиқилди.

2. Ҳаво қузури узунлиги бўйича ҳаво ҳаракати тезлиги ва ҳароратининг стационар ва но стационар режимларда ўзаро таъсир ўзгаришининг математик моделлаштиришда иссиқлик алмашинув жараёнлари асосида иссиқлик миқдорлари аниқланди.

3. Иссиқхоналарда оптимал иссиқлик режимини яратиш учун зарур бўлган ҳаво тарқатувчи тўртбурчак ва айлана қувурлар тешиқлари орқали тарқатилган ҳаво ва иссиқлик миқдори аниқланди.

4. Ҳаво қузури ва усқуналардаги босим ўзгариши ва аэродинамик қаршилиқлари ҳисобланди.

5. Қувурнинг горизонтал юзаси атрофида ҳавонинг эркин конвекцияси учун иссиқлик узатиш коэффициенти α ва чекланмаган ҳажмдаги эркин конвекция учун иссиқлик узатиш коэффициентини ҳисоблаш учун умумлаштирилган боғлиқлиги экспериментлар асосида аниқланди.

6. Иссиқхона юқори қисмидаги жойлашган иссиқ ҳавони ўсимликларнинг пастги қисмидан тешиқли ҳаво тарқатувчи қувурлар орқали микроиқлимни таминлашга кетадиган энергия сарфи билан иссиқхонадаги бир хил ҳарорат тақсимотига ва юқори иссиқлик қулайлигига эришиш мумкинлиги исботланди.

7. Иссиқхоналарда оптимал микроиқлим шароитларини такомиллаштириш ёрдамида энергия тежамкор қурилмаларни амалиётга жорий этиш орқали 1.5 га иссиқхонада бир мавсумда 68635000 сўм, 1 га иссиқхонада эса бир мавсумда 19508000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилганлиги исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.26.02.2020.Т.109.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ДЖИЗАКСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ПИРНАЗАРОВ ИЛХОМ ИСЛАМОВИЧ

**УСОВЕРШАНИЕ ОПТИМАЛЬНЫХ УСЛОВИЙ
МИКРОКЛИМАТА В ТЕПЛИЦАХ**

**05.09.03 – Теплоснабжение. Вентиляция, кондиционирование. Газоснабжение и
освещение**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций за № В2022.2.PhD/Г2956.

Докторская диссертация выполнена в Джизакском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).


Научный руководитель	Бобоев Собиржон Муродуллаевич, доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Узоков Гулом Норбоевич доктор технических наук, профессор
	Абдуллаев Кулмамат Юсупович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Наманганский инженерно-строительный институт

Защита диссертации состоит «24» сентября 2024 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.26.02.2020.T.109.01 при Самаркандском государственном архитектурно-строительном университете. (Адрес: 100011, г. Самарканд, улица Лолазор, №70. Тел.: (+99866) 237-15-93, факс: (+99866) 237-26-30, e-mail: info@samgasi.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного архитектурно-строительного университета им. Мирзо Улугбека (зарегистрирован за № 246). Адрес: 140147, г. Самарканд, ул. Лолазор, 70. Тел.: (+99897) 315-44-50, факс: (+99866) 237-26-30, e-mail: [http:// arm.samgasi.uz/](http://arm.samgasi.uz/).

Автореферат диссертации разослан «7» сентября 2024 года.

(реестр протокола рассылки № 5 от «7» сентября 2024 года).



А.Т.Халманов
Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней д-р.м.н., и.о., профессор


Р.М.Махмудов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент


Г.И.Шукуров
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, к.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

В мире особое значение придается расширению сфер использования традиционных энергоресурсов и источников в тепличном хозяйстве, повышению энергоэффективности в различных отраслях экономики, оценке резервов энергосбережения на основе определения энергоэффективности оборудования и его рационального использования.

В настоящее время, по данным Комиссии Европейского Экономического Сообщества, более 75 процентов тепловой энергии в сельском хозяйстве расходуется на системы отопления и вентиляции теплиц, а доля энергозатрат в стоимости продукции теплиц составляет 40-60 процентов.

В связи с этим, особое внимание уделяется диверсификации топливно-энергетического баланса за счет развития возобновляемых источников энергии и внедрения инновационных технологий энергосберегающих систем отопления.

В мире проводятся научные исследования, направленные на совершенствование систем теплоснабжения и вентиляции тепличных комплексов, повышение энергоэффективности и снижения потребления традиционных энергоресурсов за счет использования возобновляемых источников энергии и оптимизации теплотехнических параметров.

В этом направлении приоритетными являются исследования по снижению энергопотребления и повышению энергоэффективности технологических процессов в тепличных комплексах на основе эффективного использования тепловой энергии.

При этом разработка энергоэффективных систем воздушного отопления и вентиляции, создание схемы энергоэффективных устройств и воздухораспределительных устройств считаются актуальными задачами по созданию условий микроклимата в теплицах.

В нашей республике ведется масштабная научная работа по созданию новых технологий, проведению исследований и их практическому применению, что будет способствовать повышению эффективности и широкому использованию нетрадиционных источников энергии в целях создания условий микроклимата в теплицах для обеспечения населения качественной плодоовощной продукцией.

В указе Президента Республики Узбекистан от 20 ноября 2018 года № ПП-4020 «О мерах по созданию дополнительных условий для развития тепличных комплексов», определены важные задачи в связи с исполнением решений по внедрению энергосберегающих технологий и систем снижения энергозатрат для обеспечения микроклимата тепличного воздуха.

Создание оптимального микроклимата на основе энергосберегающих систем воздушного отопления тепличных комплексов и использование защищенных почвенных ресурсов являются актуальными научно-техническими задачами.

